



Чоршанба

Mahalla

Газета 1996 йил январь ойидан чиқа бошлаган

Ўзбекистон Оқсоқоллар кенгаши, «Маҳалла» жамғармасининг нашри

Чоршанба кунлари чиқади

2

▶ Олга бос, "Баркамол авлод"!

3

▶ Дёнатдан жар солаётган дёнатчилар...

4

▶ Теннис кошонасига марҳамат!

▶ "Бойсун баҳори" таровати

▶ Автобус ...қадам ташлаб юради?!

▶ Паттакесарлик тадбиркорлар...

ЎЖТТИ ҚЎЖҲУРОҚ



Бугун барча умумтаълим мактаблари ўқувчилари сўнги кўнгирак садолари остида қадрдон масканлари, меҳрибон устоз-мураббийлар билан хайрлашадилар. Айниқса, катта ҳаёт остана-сида турган битирувчи ёшлар учун ушбу ҳаяжонли лаҳзалар бир умрлик ширин хотирага айланиши шубҳасиз.

Йиллар ўтиб, биз улғайдик, Олиб илм сирларин.

Билим берган устозларга, Деймиз: "Раҳмат, офарин!"

Ватан меҳри юксалтирди, Оқ йўл тиланг бизларга. Таъзим ила раҳмат деймиз, Жон устозлар Сизларга.

Қалдирғочдай тизилишиб Турибмиз биз учғали. Истиқлолга етган юртининг Истиқболинг кучғали.

Эй чолғучи, кўнгироқни, Чала қолсин жўшқинроқ. Қайда юрсак, эсда бўлсин, Ушбу сўнги, кўнгироқ.

Сувдай оқиб ўтди болалик, Улғайтириб кетди болалик, Поёнига етди болалик!.. Деб хайратга тушганда шу чок, Чорлаб қолди сўнги кўнгироқ!

Ҳаяжонли дамдир, ушбу дам, Ҳаёт: "Бос, -дер, -муस्ताқил қадам!" Бахт, иқболи аҳднинг маҳали! Овозимиз нури ва янгирак, Жаранглайвер, сўнги кўнгироқ! Менглибой МУРОДОВ

Mahalla



— Яна нима дейди? — Неварангиз мактабни битказди, — дейди.

«БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҲАЙАТИДАГИ МУҲИМ ВОҚЕА — ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИНИНГ «БАРКАМОЛ АВЛОД» СПОРТ ҲАЙАТИНИНГ БОШЛАНИШИ БИЛАН

Қадрли ўғил-қизларим! Муҳтарам устоз-мураббийлар, ота-оналар! Авваламбор, барчангизни юртимиз ёшлари ҳаётидаги муҳим воқеа — Тошкент вилоятининг шаҳар ва туманларида бўлиб ўтадиган «Баркамол авлод» спорт ўйинларининг бошланиши билан чин қалбимдан самимий муборакбод этаман.

Истиқлол йилларида шаклланган, эл-юртимиз ўртасида «Кичик олимпиада» деб ном олган бу нуфузли мусобақаларда қатнашиш сиз учун қандай катта шараф, қандай катта масъулият эканини очик чех-рангиздаги қувонч ва ҳаяжон туйғулари ифода этиб турибди.

Анъанага айланиб қолган, академик лицей ва касб-хунар коллежларининг энг кучли вакиллари, голуб жамоалари иштирок этаётган бу ўйинларни том маънодаги жисмоний, маънавий куч ва имкониятлар сини, ёшлик ва гўзаллик, спорт ва нафосат байрами, десак, айни ҳақиқат бўлади.

Шу маънода, ноёб истеъдоди ва маҳорати билан жаҳон аҳлини хайратга солаётган, халқаро спорт анжуманларида юртимиз байроғини баланд кўтариб, азиз ва муқаддас Ватанимизни бутун дунёга тараннум этаётган ёш авлодимизни тарбиялашда бу беллашувларнинг амалий таъсири ва аҳамияти беқув.

Бугун яшил майдонларни тўлдириб, ўзининг куч-қуввати, азму-шижоати ва иродасини намойиш этаётган сиз каби минг-минглаб навқирон ёшларимизни кўрганда барчамизнинг кўнглимиз тоғдек кўтарилади. Сизларнинг тинчликда юртимизда соғлом авлодни камол топтириш, соғлом турмуш тарзини мустаҳкамлаш йўлида амалга ошираётган улкан ишларимизнинг ижобий самарасини, Ўзбекистонимизнинг буюк келажagini ўзимизга янада ёрқин тасаввур қиламиз.

Шу борада барчамиз бир ҳақиқатни теран англаб олишимизни истардим — вуқулда, томир-томирда улуг аждодларимизнинг қони жўш урган, чуқур билим ва мустақил дунёқарашга эга бўлган баркамол авлодимиз дунёда ҳеч кимдан кам бўлмайд. Айниқса, бугунги мураккаб ва тахликали замонда ҳаёт синовларида тобланган, ҳар қандай шароитда ҳам ўз халқи ва юртига садоқат билан яшайдиган,

унинг манфаатларини қатъият билан ҳимоя қила оладиган ёшларимиз мамлакатимизни тараққиётнинг янги ва юксак босқичларига олиб чиқишга қодир бўлади.

Айнан сиздек бугунги навқирон ёшларимиз юртимизда демократик давлат, фуқаролик жамияти, тараққий топган иқтисодиёт, шулар асосида эркин ва фаровон ҳаёт бунёд этишда, барча эзгу орзу-умидларимизга эришишда Ватанимизнинг ҳақиқий таянчи ва суянчи бўлади, иншоолло.

Ишончим комил — ана шундай мард ва фидойи ёшлари бор юртинг ҳеч ким ўз танлаган йўлидан қайтаролмайди.

Азиз фарзандларим! Бугун бошланаётган «Баркамол авлод» спорт ўйинлари қизғин ва ҳалол курашлар руҳида, ўзаро ҳурмат, бағрикенглик муҳитида ўтади ва ҳар бирингизнинг қалбингизда узоқ вақт сақланиб қолади, деб умид билдираман.


Фурсатдан фойдаланиб, сизлар учун мана шундай муҳташам, замонавий спорт майдонлари ва мажмуаларини барпо этган, ушбу мусобақаларнинг юксак даражада ўтиши учун зарур шароитларни яратиб берган мутасадди ва ҳомий ташкилотларга, бу ишларга муносиб ҳисса қўшган барча олижаноб инсонларга самимий миннатдорлигимни изҳор этаман.

Сизларни бугунги қувончли байрам билан яна бир бор қутлар эканман, барчангизга нафақат спорт майдонларида, балки ҳаёт йўлида ҳам доимо омад ва зафарлар, бахту саодат ёр бўлишини тилайман.

Ислом КАРИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Президенти

СПОРТ, Ёшлик ва дўстлик байрами

Чирчиқ шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бошланди



Президент Ислом Каримовнинг ташаббуси билан мамлакатимизда ёш авлодни жисмоний тарбия ва спортга оммавий жалб этиш бўйича уч босқичли ўзига хос тизим шаклланди. У мактаб ўқувчиларининг «Умид ниҳоллари», академик лицей ва коллежлар ўқувчиларининг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари ва олий ўқув юртлири талабалари Универсиадасидан иборат.

Ўзбекистонда яратилган мазкур тизим дунёда янги педагогик технология сифатида эътироф этилди. У Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг таркибий қисмига айланди. Бу дастурни амалга ошириш таҳрибаси эса бугун кўплаб давлатлар мутахассислари томонидан ўрганилмоқда. Мустиқликка эришилган, Ўзбекистон раҳбариятининг ушбу соҳага бераётган катта эътибори жисмонан ва маънан соғлом, ҳар томонлама юқори маълумотли ёшлар-

ни тарбиялаш давлат сиёсатининг асосий устувор вазифаси этиб белгилангани билан боғлиқ.

24 май кунин Тошкент вилоятида Ўзбекистон ёшларининг спорт, дўстлик ва бирдамлик байрами бошланди. Чирчиқда академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг икки йилда бир марта ўтказиладиган анъанавий «Баркамол авлод» республика спорт ўйинлари тантанали очилди.

(Давоми 2-саҳифада.)

● Огоҳ бўлинг, информаион хуруж!

БЎХТОН КЎП, ВИЖДОН ҚАЕРДА?!

Сўз — буюк неъмат. Биргина қалом билан инсонни ўлдирши ёки аксинча тириктириши мумкин. Айниқса, информаион технологиялар асри бўлмиш XXI асрда сўз, ахборот ядро қуролидан-да қудратли қушга айланиб бормоқда. Лекин бугун Одам фарзандлари ана шу майдондан ҳар доим ҳам эзгу мақсадлар йўлида фойдаланаётгани йўқ.

Таассуфлар бўлсинки, инсон қалби ва онги учун шафқатсиз кураш кечаётган бугунги дунёда сўз қудратини миқлатлар ўртасида нисозлар кўзғаш, муайян бир суверен давлатни жаҳон афкор оmmasи олдида обрўсизлантириши, бўхтон ва уйдирмалар тарқатиш воситасида аҳолини саросимага солиш, мавжуд тузумга нисбатан халқ ишончини сўндириш каби қабих мақсадларга сарфлайдиганлар ҳам учраб туради.

Бу ҳолат Андижон воқеаларининг айрим хорижий оммавий ахборот воситалари томонидан ноҳилис ёритилиши мисолида яна бир бор намойиш бўлди. Қузатувлар шунинг кўрсатмоқдаки, баъзи хорижий оммавий ахборот воситалари Андижонда содир этилган террорчилик хуружини «аҳолининг норозилик намойиши» деб талқин қилиб, тинч аҳоли вакиллари ўқд тутилгани ҳақидаги бўхтон ва уйдирмаларни тарқатмоқдалар. Расмий тергов ҳулосалари маълум бўлмасдан туриб воқеани бу тахлит

бирёқлама баҳолаш дунё жамоатчилиги ва мамлакатимиз аҳолисини саросимага солишга, Ўзбекистондаги демократик жараёнларга ишонсизлик кайфиятини уйғотишга уринишдан бошқа нарса эмас. Узини зўр бериб «инсон ҳақ-ҳуқуқлари ҳимоячиси» қилиб кўрсатаётган, аллақандай асоссиз миш-мишларни кампаниябозликка айлантираётган айрим халқаро ахборот воситалари вакиллари кўп ҳолларда «тинч намоийш» қатнашчилари деб таърифланаётган кимсалар янши қуролланганини, ҳарбий қисмига ҳужум қилганини, кунрезликлар содир этганини, террорчилар ва қотилларни озодлиқка чиқариб юборганини негадир «унутиб қўйишмоқда».

Бунинг «Озодлиқ» радиосининг Андижон воқеалари муносабати билан тарқатган ва тарқатаётган ахборотлари мисолида ҳам айтиш мумкин. Ушбу радиостанциянинг Тошкент бюроси томонидан тарқатилаётган маълумот ва ахборотларни эшитиб, ёқани

ушламай илож йўқ. Ўз вақтида собиқ СССР давлатини парчалаш асосий мақсади бўлган, АҚШ Марказий разведка бошқармаси томонидан молиялаштирилиб турилган мазкур радиостанция эндиликда ўз йўналишини ёш мустиқил давлатлар аҳолиси орасида парқандалик, норозилик уйғотишга қаратган кўринади. Йўқса, «Озодлиқ» да эфирга узатилаётган эшиттиришларда ёлғон-яшиқ, турган-битгани бўхтондан иборат бўлган ноҳилис ахборотларга кенг ўрин берилмас эди.

Радиостанциянинг Андижон воқеаларига доир ахборотларига эътибор бериб кўринг: «Ўзбекистон хавфсизлик кучлари Андижондаги норозилик намоийшиларига қарата ўқ узишди». (13 май) «Андижонда ҳукумат кўшинлари ўқ отишлари натижасида жуда кўп қурбонлар юзга келди. Қурбонларнинг сони мингларча деб

айтилмоқда». (15 май)

Ажабо, одамларни гаровга олиш, бегуноҳ инсонлар, ҳарбий хизматчилар, ҳуқуқий муҳофаза қилиш идоралари ходимлари жонига қасд қилиш, хавфли жиноятчиларни қамқондан озод қилиш «тинч намоийш» деб аталар экан-да?! Бу ахир террорчилик ҳаракатининг ўзгичаси-ку!

Радиостанция ахборотларида Андижон воқеалари негадир бурттирилиб талқин қилинади: «Андижон кўзғолони», «Андижон исбни», «Андижондаги зўравонликлар, кунрезликлар, қонли тўқнашувлар...» Бундай ибораларни яна давом эттириши мумкин. Ажабланирлиси шунки, воқеа жойида бўлган радио журналистларининг ҳеч бирини содир этилган воқеалардан ачинаши туйғуси, ҳалок бўлган бегуноҳ инсонларнинг яқинларига қайғудошлик ҳисси деярли сезилмайди.

Бир нарса аниқки, Андижонда кўзғолон бўлгани йўқ. Халқ қушга норози бўлиб чиққан эмас. Аксинча четдан яширинча қурол олиб келган, 5-6 ой мобайнида пухта тайёрланган бир тўда жангарилар бош кўтарди. Улар Ўзбекистонда ҳам қўшни мамлакатдаги «сценарий»ни такрорламоқчи бўлишди. Лекин халқ уларни ёқламади.

Харбийларнинг тинч аҳолини ўқга тутгани ҳақидаги хабарлар асоссиз уйдирмадир. Наҳотки, радио маълумурлари учун рост ва бўхтонни бир-бирдан фарқлаш шунчалик қийин бўлса?!

Давоми 3-саҳифада

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ХХРТА ТАШРИФИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Хитой Халқ Республикаси Раиси Ху Цзиньтаонинг ташифиға биноан 2005 йил 25-27 май кунлари давлат ташифи билан ушбу мамлакатда бўлади.

Ташриф асосида ўтадиган музокараларда икки давлат раҳбарлари Ўзбекистон—Хитой муносабатларини ривожлантириш, савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, минтақавий хавфсизлик масалаларини, томонларни қизиқтирган халқаро муаммоларни муҳокама қилдилар.

Музокара якунлари бўйича қатор икки томонлама ҳужжатлар имзоланиши мўлжалланмоқда.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ФАРМОНИ

Б.У.Жўраевни II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлаш тўғрисида

Давлатимизнинг миллий хавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза этиш ҳамда хизмат бурчини бажариш чоғида мардлик, жасорат ва фидойилик кўрсатгани учун Шарқий ҳарбий округ штабининг бўлим бошлиғи марҳум Жўраев Баҳром Улугбекович II даражали «Шон-шараф» ордени билан мукофотлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И.КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2005 йил 23 май

ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

Шарқий ҳарбий округ штаби офицери капитан Баҳром Улугбекович Жўраев 27 ҳарбий хизматчи билан бирга 13 май кунин кечқурун Андижон шаҳри марказий қисмидаги кўчаларда жамоат хавфсизлигини таъминлаш вазифасини бажарётган эди.

«Чўлпон» кинотеатри атрофида ҳарбийлар ҳокимлик биноси томондан саросимага тушиб югуриб келаётган одамларни учратади. Улар бир гуруҳ қуролланган жиноятчилар шу томонга келаётганини айтишади. Капитан Жўраев аскарларга одамларни хавфсиз жойга ўтказиб қўйишни буюради.

Соат 20.30ларда Чўлпон проспектида автоматлар, снайпер милтиқлари, парчалануви қўл гранаталари, тутун чиқарувчи ва кимёвий гранаталар, ёнғичи, аралашма тўлдирилган шиша идишлар билан қуролланган жиноятчилар тўдаси пайдо бўлади. Қуролланган жиноятчилар гаровга олган одамларни ўзини пана қилган ҳолда турли томонга ўқ отиб, ҳарбий хизматчиларга яқинлашиб кела бошлайди.

(Давоми 2-саҳифада.)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНИНГ ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

23 май кунин Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлиси бўлиб ўтди.

Унда депутатлар сайлов округларида аҳоли билан бўлиб ўтган учрашувлар якунлари бўйича шу йилнинг 13 май кунин Андижон шаҳрида рўй берган фожиали воқеалар муҳокамасини давом эттирдилар.

Мазкур масаланинг муҳокамаси чоғида сиёсий партиялар фракцияларининг вакиллари Андижон шаҳридаги воқеалар билан боғлиқ ҳолатларни ҳар томонлама текшириш учун парламентнинг мустиқил Комиссиясини тузиш ташаббуси билан чиқдилар. Депутатлар мазкур тақлифни қўллаб-қувватладилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустиқил комиссиясини тузиш тўғрисида қарор қабул қилдилар.

3-саҳифада

Mahalla

Ўзбекистон Республикаси матбуот ва ахборот Агентлигида 060 рақам билан рўйхатта олинган.

Нашр кўрсаткичи: 148

Хомий: «Матбуот тарқатуви» ҳиссасдорлик жамияти

«М.Я.» — белгиси остида реклама-тижорат мақолалари бериллади.

Тахрират манзили: Тошкент, Матбуотчилар, 32-уй

Телефонлар: Кабулхона — 136-53-93

Тел/Факс: — 133-44-25

Масъул котиб: 136-53-75

Хатлар бўлими: 136-57-62

Муассаслар:

Ўзбекистон «Маҳалла» хайрия жамғармаси республика бошқаруви, «Mahalla» газетаси тахриратининг меҳнат жамоаси.



ТЕРРОРЧИЛИККА ҚАРШИ ҲАРБИЙ ҲАРАКАТЛАР

Жазоир миллий армияси мамлакатда турли кўпуровчиликларни амалга ошириб келаятган «Салофийлар» гуруҳи фаолиятига чек қўйишга киришди. РАТА-ТАСС хабарига қараганда, айни пайтда мамлакатнинг шарқий ҳудудларида ўрнашиб олган мазкур гуруҳ ҳарбийлар томонидан ўраб олинган. Қуроли тўқнашувлар оқибатида бир неча жангари йўқ қилинган.

Сўнги вақтларда ушбу гуруҳ ҳукуматни жиддий ташвишга солиб келаятган эди. Чунки «Салофийлар»нинг «Ал-Қоида» террорчилик ташкилоти билан узвий алоқада бўлиб келгани аниқланган.

Хабарларга қараганда, «Салофийлар»нинг қуролланган жангарилари яқинда кунни Кеншела вилоятидаги ҳарбий қисмага ҳужум уюштирган. Террорчилар ҳарбийларга қарашли юк ташувчи ва енгил автомобильларни портлатиб юборган ва ҳарбийларни ўққа тўтган. Натижада йигирмага яқин аскар ҳаётдан кўз юмган. Айни пайтда йирик ҳарбий операциялар давом этаётган Кеншела ҳамда Тенбеседа икки юзга яқин жангари яшириниб юрибди.

Жазоирнинг Сикба шаҳрида «Салофийлар» гуруҳи раҳбарларидан бири Абу Жорир қўлга олинди. У Аннаба ва Сикба шаҳарларида террорчилик ҳаракатлари уюштирилганда айбланмоқда.

Акмал НАЗАРОВ, ЎЗА шарҳловчиси

ХАЛҚИМИЗНИНГ ТИНЧЛИГИ ВА ОСОЙИШТАЛИГИ ЙЎЛИДА

(Давоми. Аввали 1-саҳифада.)

Офицер Баҳром Жўраев вазиятни дарҳол англаб, ўз ҳаёти ҳавф остида қолиши мумкинлигига қарамасдан, жиноятчиларга қарши тик боради ва улардан қуролларни топшириши ва гаровга олинганларни қўйиб боришни қатъий талаб қилади. Бу талабларга жавобан жиноятчилар аёвсиз ўт очишди ва капитани ярадор қилишди. Ҳарбий хизматчилар позициялари қаттиқ ўққа тутила бошланади. Гаровга олинганларнинг асосий қисми юзга келган вазиятдан фойдаланиб, жиноятчилар қўлидан қочиб кетади. Ҳарбий хизматчилар жиноятчиларга қарши жавоб ўти очиб, офицерни ўқлар остидан олиб чиқишади. Бирок, у ярадор бўлишига қарамай бўлинишни бошқаришда давом этади.



қўради, тўхтатиб қолинади ва пароканда бўлади, уларнинг бир қисми қўлга олинади ва қуролсизлантирилади, гаровга олинганлар озод қилинади.

Ушбу жангда олган жароҳатлари оқибатида капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев ҳалок бўлади.

У 1979 йил 21 ноябрда Тошкентда, хизматчилар Улуғбек ва Ширин Жўраевлар оиласида туғилган, Қорасув даҳасида ўсиб-ўлғайган.

Баҳром Жўраевни билганлар, унинг қариндош-уруғлари ва яқинлари, дўстла-

ри ва сафдошларининг айтишича, у болалик йилларида Ватанга сиздикидан хизмат қилиш, бу йўлда керак бўлса жонини ҳам фидо этиш руҳида тарбияланган эди. Ҳарбий-тарихий мавзулардаги китобларни ўқишни яхши кўрарди. Спорт билан шугулланарди, самбо бўйича мусобақаларда голиб бўлганди. У мактабни тугатгач, 17 ёшга тўлмасдан Тошкент Олий умумқўшин кўмондонлик билим юртига кириш имтиҳонларини муваффақиятли топширди. Ўқини тугатгандан кейин ўтган беш йил мобайнида хизмат поғоналарида катта ўсишга эришди — ҳаво-десант қисмида жанговар гуруҳ командирлигидан Шарқий ҳарбий округ штаби бўлим бошлиғигача бўлган йўлни босиб ўтди. Ватанга муҳаббат, қасамёд ва аскарлик бурчи саноқат, юксак масъулият ва профессионализм каби фазилатлар офицернинг қатъий ҳаётий позициялари ва ватанпарварлик дунёқарошини белгилаб берди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонида кўра капитан Баҳром Улуғбекович Жўраев давлатимизнинг миллий ҳавфсизлиги, халқимизнинг тинчлиги ва осойишталигини муҳофаза қилиш ҳамда хизмат бурчини адо этишда кўрсатган жасорати ва фидойилиги учун II даражали «Шон-шараф» ордени билан тақдирланди.

МАРДЛАР ҚЎРИҚЛАЙДИ ВАТАННИ

Мамлакатимиз Президенти Ислам Каримовнинг шу йил 4 мартдаги «Муддатли ҳарбий хизматнинг белгиланган муддатларини ўтаб бўлган фуқароларни хизматдан бўшатилиш ҳамда Ўзбекистон Республикаси Қуроли Кучларига навбатдаги чақирув тўғрисида»ги қарори асосида ҳарбий хизматга чақирилган йиштилари айни кунларда тантанали қасамёд қабул қилмоқдалар.

Чирчиқ гарнизонига қарашли ҳарбий қисмда шундай тадбир бўлиб ўтди.

Майдонга алп йигитлар оркестр садолари остида шахдам қадамлар билан кириб келди. Улар Ватанига ва Президентимизга садоқат билан хизмат қилиш тўғрисида қасамёд қабул қилди...

— Давлатимиз раҳбари Ислам Каримовнинг ташаббуси билан ҳарбий соҳада амалга оширилаётган ислохотлар, хусусан, хизматга ҳар томонлама етук йигитларнинг саралаб олинаётгани ўз самарасини бермоқда, — дейди ҳарбий қисм офицери Абдор Ҳакимов. — 2002 йилда янги тахрирда қабул қилинган «Умумий ҳарбий мажбурият ва ҳарбий хизмат тўғрисида»ги қонун армиямиз илҳом ва профессионал жиҳатдан шаклланишида муҳим омил бўлмоқда.

Армияда аскарлар учун зарур барча шарт-шароитлар яратилаётгани, ҳарбий хизматни ўтаган йигитларга қатор имтиёзлар берилаётгани ёшларнинг воҳага қизиқишини янада ошираётди. Улар қуроли кўнларимиз сафига ўсмирликдан ҳар томонлама тайёргарлик қўриб келиб кўшилмоқда. Бунга бугун қисимимизда ҳарбий қасамёд қабул қилган йигитлар билан ўтказилган бир ойлик машғулотлар пайтида яна бир бор амин бўлдим.

— Қасамёд қабул қилган йигитларга қараб кўксим гурурга тўлди, — дейди Қашқадарё вилояти Қамачи туманидан келган Зумрад Фафурова. — Элимизнинг тинчлик-хотиржамлиги ишон-



чли қўлларда эканлигига яна бир қарра ишонч ҳосил қилдим. Оташқалб йигитларимиз омон бўлса, тинчлигимизга раҳна солмоқчи бўлаётганлар ҳеч қачон ниятига етолмайди. Бугун аскарлик либосини кийган йигитлар орасида набирам Нуриддинжон ҳам бор. Ҳарбий бўлиш — унинг болалик ордуси эди. Дўстлари қатори бугун шу ордусига эришди.

Аскарларни округ ва ҳарбий қисм раҳбарлари, ота-оналар, жамоатчилик вакиллари самимий қутлаб, уларга қасамёдга бир умр содиқ қолишларини тилади.

Норгул АБДУРАИМОВА, ЎЗА мухбири

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг 2005 йил 23 майда қабул қилинган Қарорига илова

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Андижон шаҳрида рўй берган воқеаларни текшириш бўйича мустақил Комиссия ТАРКИБИ

1. Йўлдошев Маҳмадил-хўм — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик Мамаюнович институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси (Комиссия раиси)

2. Абдуллаева Муҳаббат — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

3. Аҳмедова Сорахон Толипжоновна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси аъзоси

4. Ботирова Зухра Баратовна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзоси

5. Жабборов Собир Ваҳобович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

6. Каримов Ҳаётхон Салимович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси аъзоси

7. Қозлов Анатолий Михайлович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитаси аъзоси

8. Саидов Акмал Холматович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раиси

9. Толибов Иzzатулло Ибодович — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари

10. Умарова Шоира Оқбўтаевна — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси раисининг ўринбосари

11. Ўсаров Олим Авалбевич — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси

12. Воҳидов Эркин Воҳидович* — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси

13. Иминов Бахтиёр Мирзажанович* — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислохотлар масалалари қўмитаси раиси

14. Рустамбоев Мирзаюсуф Ҳакимович* — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

15. Собиров Илгизар Матқубович* — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раиси

16. Усмонов Маъруф Агзамович* — Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Мудофаа ва ҳавфсизлик масалалари қўмитаси раисининг ўринбосари

*Комиссия таркибига Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан белгиланган Сенат аъзолари киритилди.

СПОРТ, ЁШЛИК ВА ДЎСТЛИК БАЙРАМИ

Чирчиқ шаҳрида «Баркамол авлод» спорт ўйинлари бошланди

(Давоми. Аввали 1-саҳифада.)

... Шаҳар оқшом оғушида. Чирчиқдаги Олимпия захиралари коллежининг 12 миңг томошабинга мўлжалланган стадиони спорт муҳлислари билан тўлган.

«Баркамол авлод» ўйинларининг чорлов садолари янгради.

Майдонга гулдурас қарсақлар остида Қорақалпоғистон Республикаси, барча вилоятлар ва Тошкент шаҳрининг терма жамоалари кириб келди.

Тошкент вилояти ҳокими Қ.Тўлаганов академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг «Баркамол авлод» республика спорт ўйинларини очиб деб эълон қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримовнинг «Баркамол авлод» спорт ўйинлари иштирокчиларига табригини Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Х.Султонов ўқиб эшиттирди.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мадҳияси янгради. Ўзбекистон Республикаси Давлат байроғи ва «Баркамол авлод» республика спорт ўйинлари байроғи кўтарилди.

Мусобақа иштирокчилари бўлажак спорт бешлашуварларида ҳалол, мардона ва муросасиз курашишга тантанали ваъда беради.

Бу йил мусобақалар спортнинг баскетбол, волейбол, футбол, қўл тўпи, енгил атлетика, бадий гимнастика, сузиш, кураш, теннис, стол тенниси, бокс ва шахмат каби 13 тур буйича ўтказилди. Туман ва вилоятлар микёсида ўтказилган саралаш турларидан коллеж ва лицейларнинг 645 миңдан зиёд ўқувчиси бешлашди. Нафақат йирик шаҳарларда, балки олис туман ва қишлоқларда ҳам энг замонавий ускуна ва инвентарлар билан

жиҳозланган ўнлаб янги спорт мажмуалари, зал ва майдончалар барпо этилди. Уларда кўплаб ўқувчи-ёшлар тахрибали мураббийлар қўли остида ўзларининг севишли спорт турлари билан шугулланмоқда.

Бугун ана шу мусобақаларда голиб чиққан 2170 нафар энг кучли спортчи «Баркамол авлод» ўйинларининг финал босқичида қатнашмоқда.

Комил инсон тарбиясининг бир қисми бўлган спорт машғулоти йигит ва қизларда мардлик, ирода, ватанпарварлик, фидойилик фазилатларини аклантиради. Ёшларимиз ҳеч қачон ҳеч қимдан кам бўлмайди. Уларнинг илм-фан, маданият, спорт ва бошқа кўплаб соҳаларда қўлга киритаётган ютуқлари Ўзбекистон ёшлари катта иқтидор, билим, имконият, куч ва матонатга эга эканини яққол тасдиқлайди.


2003 йилда «Баркамол авлод» ўйинлари ўтказилган Андижон вилояти эстафетани пойтахт вилоятига топширганга икки йил бўлди. Шу давр ичида бу ерда катта бунёдкорлик ишлари амалга оширилди. Чирчиқ, Бўстонлик ва Қибрай туманларида янги спорт иншоотлари қурилди. Тошкент вилояти таниб бўлмас даражада ўзгарди — шаҳар ва қишлоқлар обод бўлди, йўллар таъмирланиб, боғлар барпо этилди, минглаб дарахтар экилди.

Чирчиқдаги спортнинг кўплаб турлари бўйича мусобақалар ўтказилаётган стадион энг юқори халқаро стандартларга мувофиқ қурилди. Бу нафақат спорт майдонлари, балки спортчилар учун дам олиш хоналари, ҳакамлар хоналари, анжуман ўтказилаётган заллар, меҳмонхоналари ўз ичига олган катта мажмуадир. Стадиондаги югурши йўлқалари қопламалари тўлиқ янгилади. Бунинг учун Мюнхен-

даги Олимпия стадионини жиҳозлашда иштирок этган Германиянинг «Политон» фирмасидан махсус материал сотиб олинди. Бу ерда юқори сифатли овоз узатиш аппаратураси ва 120 та ёритиш мосламаси ҳам ўрнатилган.

Олимпия захиралари коллежи ҳудудида барпо этилган яна бир ноёб иншоот — кўплаб спорт ўйинлари, бадий гимнастика ва енгил атлетика мусобақалари учун мўлжалланган усти ёпиқ муҳташам сарой «Ўзбек-гидроэнергоқурилиш» трести ва Тошкентдаги 12-трест қурувчиларининг фахри ҳисобланади. Майдон йўлқалари ва марказий қисми политан билан қопланган, дастурли бошқариладиган қўли совутичлар эса йилнинг қайси фасли бўлишидан қатъи назар ҳаво ҳароратини 22-23 даражада сақлайди. Шунингдек, бу ерда улкан электрон табло ҳам ўрнатилган.

... Стадионга Паркент туманида жойлашган «Физика-Кўёш» илмий ишлаб чиқариш бирилмаси Материалшунослик институтининг қўёш ўчоғидан ёқиб олинган «Баркамол авлод» ўйинларининг машъаласини кўтарган йигит-қизлар кириб келади. Ушбу машъала ўзида янги ҳаёт қуришда Ўзбекистон халқининг таянчи бўлиши ёшларимизнинг очиб ва тоза қалби ифода-сидир. «Баркамол авлод» ўйинлари халқимиз орасида «Кичик олимпиада» деб ҳам аталади. Спортнинг кўплаб турлари бўйича ўтказилаётган мусобақалар ёшлар орасидан янги иқтидор соҳибларини, бўлажак чемпионларни аниқлаш имконини беради. Сўнги йилларида Ўзбекистонда кўплаб спорт



«Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиш маросими эстрада юлдузларининг катта концерти билан янқуланди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

юлдузлари пайдо бўлди. Улар жаҳон чемпионатлари, Осиё ўйинлари ва кўплаб халқаро турнирларда голибликни қўлга киритмоқда.

Республикамиз вакилларининг Афинада ўтган Олимпия ўйинларида 2 олин, бир кумуш ва 2 бронза медалига сазовор бўлгани ҳам мамлакатимизнинг спорт соҳасида шон-шухрати ортиб бораётганининг ёрқин далилидир.

Академик лицей ва касб-ҳунар коллежлари ўқувчиларининг республика мусобақалари оловини машҳур спортчиларимиз — ёшлар ўртасида бокс бўйича икки қарра жаҳон чемпиони Илком Раҳимов ва спорт устаси Диана Мирзараҳмонова ёқди.

«Баркамол авлод» ўйинлари машъаласи порлай бошлади! Майдонга ранг-баранг либослардаги ёш истеъдод эгалари — спортчилар, санъаткорлар кириб келади. Улар ижро этган саҳна кўринишлари, қўшиқ ва рақсларда Ўзбекистон ёшларига хос ғайрат-шижоат, ўқтамлик, нафосат ва қувноклик намоён бўлади.

«Баркамол авлод» ўйинларининг тантанали очилиш маросими эстрада юлдузларининг катта концерти билан янқуланди.

«Баркамол авлод» спорт ўйинларининг очилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев иштирок этди.

А.ИВАНОВА, З.ТОШҲУҲАЕВ, ЎЗА мухбири.

Сурхондарё вилояти

ЯНА ЭЛЛАРНИ ЧОРЛАДИ «БОЙСУН БАҲОРИ»

Алпомиш юрти кўҳна Бойсунда анъанавий «Бойсун баҳори» халқаро очик фольклор фестивали бўлиб ўтди.

Шаҳарга кираверибди «Бойсунот» боғининг амфитеатрида ўтган мазкур фестивалда пойтахтимизнинг Тошкент, Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган фольклор дасталари, ҳофизлар, бахши-оқинлар, фольклоршунос олимлар, хоржий мамлакатлар вакиллари иштирок этди.

Фестивал «Бойсун» халқ ансамбли санъаткорларининг чиқишлари билан бошланди. Умид Туропов, Найим Орипов, Жума Сайфиев сингари истеъдодли хонандалар ижро этган қадимий кўшиқлар ва рақслар халқ оғзак ижодининг ноёб ва ўлмас дурдоналари сифатида алоҳида эътибор қозонди, олқишланди. Шундан сўнг Манон Уйғур номидаги Сурхондарё вилояти мусикали драма театри адиб Холик Хурсандов асари асосида «Кампир толайи, дадажон?» мусикали комедиясини намойиш этди. Фестивалда бахшилар бешлашуви мароқли ўтди. Шинавандаларни сел қилиб дoston қуйган Ўзбекистон халқ бахшилари Шоберди Болтаев, Абдуназар Паёнов, Бобораҳим Маматмуродов, Шомурод Тоғаев, Очил Чоршанбиев, оқинлар Жалиқ Холтурсунов, Гулбаҳор Аҳинбетова, Дилфуза Тожимуродова, Бокйибеган Серинбетовлар фестивал голиби деб топилди.

Бошқа фольклор ансамбллари чиқишлари ҳам барчани қувонтирди. Улар тақдим этган қўшиқ ва ўйинлар ўзининг ҳаётлиги билан дилларни ром этди. Унда халқнинг қадимий урф-одатлари, анъаналари, маросимлари, инсонпарварлик фазилатлари бадий образлар орқали талкин этилди.

— Ўзбек халқи ўзининг санъатсеварлиги, хунармандлиги ва бунёдкорлик ишларига қодирлиги билан ажралиб туради, — дейди Республика маданият ва спорт ишлари вазирининг биринчи ўринбосари Комилжон Юсупов. — Фестивалда намойиш этилган гиламлар, сўзаналар, жойнамозлар, зардевор ва бошқа бадий буюмлар, анъанавий



«Бойсун баҳори» халқаро фестивали.

СУРАТДА: фестивалдан лавҳа

Омон ШУКУРОВ, «Mahalla» мухбири.

